Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 14 октябрь, № 207 (6901) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 октябрь куни саноат ва ижтимоий соҳа объектлари, аҳолини табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, бу борадаги қарздорликни бартараф этиш, ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси раҳбарияти ва тегишли мутасаддилар ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Бош прокурори, "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари раҳбарлари, мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Асосий эътибор, аввало, аҳоли, ишлаб чиқариш объектлари, ижтимоий муассасаларни табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, бу борадаги тўловларнинг амалга оширилиши, бугунги ҳолат ва муаммоларга қаратилди.

Маълумки, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компаниялари фаолиятидаги хато ва камчиликлар, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш, дебитор қарздорликни камайтириш билан боғлиқ муаммолар тармоқ зиммасидаги вазифаларни изчил бажариш, қўйилган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилар эди. Шартномавий мажбуриятларни бажармаган истеъмолчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмагани, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари оқсагани қарздорликларнинг кескин ортиши, талон-торожликлар ва истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловлардан бўйин товлаш ҳолатлари кўпайишига олиб келаётган эди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан соҳадаги ишлар тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Бюронинг асосий вазифалари фойдаланилган энергия ресурслари учун қарздорликни кескин камайтириш, электр энергияси ва табиий газ тармоқларига ноқонуний уланишларнинг олдини олиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашдан иборат. Фармон асосида Адлия вазирлиги ҳузурида фаолият юритган Суд департаментининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифа ва ваколатлари Бюрога ўтказилди. Эндиликда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилари томонидан амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, Мажбурий ижро бюросининг фаолияти натижасида жорий йилнинг июнь — сентябрь ойларида 5 триллион 400 миллиард сўм қарздорлик ундирилди. Унинг 3 триллион 400 миллиард сўми электр энергияси, 2 триллион сўми табиий газ ҳисобига тўғри келади.

Жисмоний ва юридик шахслар билан олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари бундай натижаларга эришиш имконини бермоқда. Ўтган даврда Давлат бюджетига 171 миллиард сўм зарар етказиши мумкин бўлган 182 жиноий ҳолат аниқланган ва уларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган.

Аммо соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" тизимида янгиликка интилишнинг етишмаслиги, ўзибўларчилик ва талон-торожлик ҳолатлари мавжудлиги, афсуски, ҳамон бу соҳада муаммолар сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида айрим соҳалар раҳбарларининг ишга совуққон муносабати, ҳамон учраётган эскича қарашлар мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, бундай ҳолатларга ўз вақтида тегишли чоралар кўриш, ишни ташкил этишда янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этиб бориш вақти келганини таъкидлади.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда Мажбурий ижро бюроси фаолияти, қарздорликларни ундириш, ҳуқуқбузарликларни фош этиш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда Мажбурий ижро бюроси фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш, саноат тармоқлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кенгайтириш каби муҳим вазифалар бўйича топшириқлар берди.

ЎзА.

ЭЪТИРОФ

Яқинда таҳрир ҳайъати Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида жойлашган "The Diplomat" интернет-журналида "Диққат марказида — Ўзбекистон" сарлавҳали таҳлилий мақола эълон қилинди.

«The Diplomat» замонавий Ўзбекистон ҳақида

У мазкур нашр муҳаррири Кэтрин Путц қаламига мансубдир. Мақолада Марказий Осиёнинг "юраги" ҳисобланадиган Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётгани алоҳида қайд этилган.

"Бугунги кунларда Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилинаётган ўзгаришларга ҳар қачонгидан ҳам катта умид боғланмоқда. Бундан ташқари, республика бутун минтақадаги ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолиши мумкинлиги кутилаяпти", дея ёзилади "The Diplomat" интернет нашрида.

Муаллифнинг тасдиқлашича, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ўртасида ўзаро алоқалар фаоллашиб бораётгани Тошкент ташқи сиёсатидаги ўзгаришларнинг, айниқса, қўшни давлатларга нисбатан муносабатларга урғу берилаётганининг биргина мисолидир. "Икки томонлама алоқаларнинг ривожланаётгани масаланинг бир томони, иккинчи томондан эса Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорликка ҳам тайёрдир".

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида баён этилган, яъни Ўзбекистон ўзининг замонавий ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, мамлакатимизнинг минтақада конструктив ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш йўлини қатъий тутаётгани таъкидланганига оид фикрлар ҳам қаламга олинган.

Муаллиф Марказий Осиёда давлатлар раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ўтказиш ташаббуси, минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит юзага келганини ўқувчилар эътиборига ҳавола этган. Бундан ташқари, ана шундай ижобий ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон жорий йилнинг ноябрида Самарқанд шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуида юқори даражадаги халқаро анжуманни ўтказишни режалаштираётгани ҳам маълум қилинган. "Конференция концепцияси ҳамда дастури лойиҳаси тадбир кун тартибининг муҳим эканлигини тасдиқлайди — унда минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишининг бир қатор энг муҳим масалаларига эътибор қаратилади. Конференция долзарб муаммолар юзасидан ўзаро очиқ фикр алмашиш имконини беради", деб ёзади Кэтрин Путц.

Бўлажак форумнинг ўзига хосликлари ҳақида тўхталарркан, бу ўринда муаллиф бир неча экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳам баён этган. Улардан бири БМТнинг превентив дипломатия бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий маркази вакили Ф. Саприкиндир. Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти БМТ орқали минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан жонбозлик қилишдаги қатъий интилишини намоён этди. Конференция дастури лойиҳаси ҳам ана шундан далолат беради. Мутахассиснинг таъкидлашича, Тошкент одатдагидек Марказий Осиёдаги қўшнилари билан икки томонлама асосда ҳамкорлик қилмоқда. Бироқ БМТнинг мандати "минтақа рўпара келаётган ўта чуқур муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида хизмат қилади".

Муаллиф ўз мақоласи якунида "Тошкент бугунги кунда қўшни мамлакатларга кенг миқёсдаги фаровонлик учун имконият сифатида қараётганини" қайд этган.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон

ТАШҚИ СИЁСАТ

Шу йилнинг 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Ўзбекистон Афғонистон билан ўзаро манфаатли, конструктив ҳамда ишончли мулоқотни йўлга қўйишга интилиб, икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам асосларини яратди.

Яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида

Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар Афғонистон раҳбари Бурҳониддин Раббонийнинг 1992 йил октябрда мамлакатимизга ташрифи чоғида имзоланган. Ўшандан буён ўзаро ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, конструктив руҳда изчил ривожланиб бормоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида Афғонистон раҳбари Ашраф Ғани билан учрашуви икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта туртки бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 3 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Афғонистон раҳбари билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Икки давлат Президентларининг, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг доимий учрашувлари ҳам Ўзбекистон — Афғонистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражада ривожланиб бораётганини кўрсатади. Биргина жорий йилнинг ўзида Шавкат Мирзиёев Афғонистон раҳбари билан уч марта — ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти саммитларида (Остона), БМТ Бош Ассамблеясида (Нью-Йорк) учрашди. Ҳозирги кунда Афғонистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи устида иш олиб борилмоқда.

2017 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов бошчилигидаги делегация Афғонистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида Афғонистон Президенти А. Ғани, ижро ҳокимияти раҳбари А. Абдулла, ташқи ишлар вазири С. Раббоний ҳамда давлат тузилмаларининг бошқа вакиллари билан музокаралар олиб борилди. Унинг якунларига кўра, икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида тўлақонли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") ҳам бор. Томонлар йил охиригача маҳсулот айирбошлаш ҳажмини 520 миллион АҚШ долларидан 1 миллиард АҚШ долларига етказишни мақсад қилишган. Ўзбекистон ҳукумати савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали чораларни кўраяпти. Юк ташиш тарифлари туширилмоқда, айрим турдаги товарлар ҳамда хизматлар учун имтиёзли нархлар жорий этилаяпти. Натижада ўзаро савдо кўрсаткичлари жорий йилнинг 8 ойи давомида 21,8 фоиз ўсди. Ташриф давомида Кобулда Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши томонларнинг савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштиришга бўлган интилишининг рамзий исботи сифатида хизмат қилади.

Шу маънода, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон Ислом Республикаси бўйича махсус вакили институти таъсис этилгани ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакат билан барча жабҳада муносабатларга алоҳида эътибор қаратаётганини тасдиқлайди.

Ўз навбатида, шу йил июль ойида Афғонистон Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳ. Атмар, давлат раҳбарининг иқтисодий масалалар бўйича катта маслаҳатчиси Ҳ. Қаюмий ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Россия Федерацияси билан ҳамкорлик бўйича махсус вакили Муҳаммад Шокир Коргар ва бошқа расмий вакиллардан иборат Афғонистон делегацияси Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳоннинг энг нуфузли тўқимачилик компания ва етакчи трейдерлари ўзбек пахта толасига катта қизиқиш билдираяпти

Жорий йилнинг 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг етмиш олтинчи ялпи мажлиси ҳамда XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлайди.

Президентимизнинг жорий йил 28 июндаги Ф-4983-сонли фармойишига мувофиқ, "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда мазкур нуфузли тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Қўмитанинг ўтган йилги йиғилиши якунида "Глобаллашув ва технологик тараққиёт даврида пахта" мавзуидаги анжуманни Тошкентда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Шубҳасиз, бу жаҳон пахта ҳамда тўқимачилик саноатининг йирик марказларидан бири сифатида тан олинган Ўзбекистон мавқеи тобора ортиб бораётганининг яна бир ёрқин далилидир. Зеро, юртимизда дунё миқёсида пахта толаси бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли тадбирлар, йирик форумлар ўтказиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Айни шу жиҳат анъанавий ярмарка ишини яқиндан кузатган чет эллик мутахассислар, олимлар, йирик савдо компаниялари вакиллари, трейдерларининг эътирофига сазовор бўлган.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси 1939 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибида Доимий қўмита, Пахта синовининг инструментал услубларини тижорий стандартлаштириш бўйича мақсадли гуруҳ (CSITC), Пахта ишлаб чиқаришни ижтимоий, экологик ва иқтисодий тавсифлари бўйича экспертлар гуруҳи (SEEP), Биотехнология бўйича экспертлар гуруҳи, Хусусий секторга маслаҳат гуруҳи (PSAP), Пахта соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро форум (IFCP), Пахтани бирламчи қайта ишлаш бўйича экспертлар гуруҳи сингари соҳа равнақида муҳим ўрин тутадиган тузилмалар фаолият юритади.

Бугунги кунда қўмитага дунёнинг пахта етиштирувчи ҳамда қайта ишловчи 30 дан ортиқ давлатлари аъзо бўлган. Жумладан, Ўзбекистон 1992 йилда ушбу нуфузли ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилган.

(Давоми 2-бетда).

ТОЖИКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида 13 октябрь куни Тожикистон маданияти кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Дунёда мамлакатлар кўп, халқлар ҳам турли-туман. Улар гоҳо айро тилларда сўзлашса-да, кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик элларни, дилларни боғловчи муҳим омил бўлиб келган. Хусусан, ўзбек ва тожик халқларининг ўхшаш урф-одат ҳамда санъати ана шундай маданий мулоқот шаклларини топиш, ютуқлар билан алмашишга имкон берган.

Бугун ҳам бу каби анъаналар давом этмоқда. Ўзбекистонда Тожикистон маданияти кунлари ўтказилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари О. Назарбеков, Тожикистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари И. Машрабов ва бошқалар мазкур фестиваль санъат, маданият ҳамда маънавият соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлади. Мамлакатларимиз раҳбарларининг учрашув ва мулоқотлари ўзаро ишончга асосланган ижтимоий-иқтисодий алоқаларни мазмунан бойитиб, ижодий муваффақиятларни рағбатлантириш учун зарур шароит яратишга асос бўлмоқда.

Маданият кунлари доирасида ташкил этилган тадбирларда тожикистонлик санъат усталарининг дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари янгради.

(Давоми 2-бетда).

ТОМОРҚА — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ!

ЕРНИНГ УВОЛИ УРМАСИН!

Когон туманининг Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Усмонобод қишлоғида яшовчи Ёдгоровлар уйига кирган кишининг баҳридили очилади: шинам тураржой, тоза-озода ҳовли, файзли хонадон. Томорқасида эса иссиқхона барпо этилган. Бу ерда айни пайтда помидор кўчатлари етиштирилаяпти.

— Шу ҳовлида турмуш ўртоғим, уч нафар ўғлим ва келиним — жами 13 киши яшаймиз, — дейди уй бекаси Раҳима Ёдгорова. — Шукр, ўзимизга тўқмиз. Рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон. "Дамас" русумли автомашинамиз бор. Топганларимиз яхши кунларга буюраяпти. Буларнинг ҳаммаси мана шу томорқа шарофатидан.

Раҳима опа биз билан суҳбатлашаяптию қўли ишдан бўшамайди. Полиэтилендан помидор кўчатлари парвариши учун махсус халтача тайёрлаш билан банд. Айтишича, бундай халтачада кўчат яхши илдиз отиб, ҳосил тезроқ пишади.

Томорқа ер эгалари эрта баҳорда буюртмачиларга 20 минг туп помидор кўчати етказиб беришди. 25 сотих ерда помидор парваришлаб, ҳосилини пешма-пеш бозорга чиқаришди. Ана шундай омилкорлик эвазига жорий йилнинг ўтган даврида 45 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Бунга ҳали бодринг етиштиришдан кўрилган фойдани қўшганимиз йўқ.

— Халқимизда "Қарасанг боғ, қарамасанг доғ" деган нақл бор, — дея мулоҳаза юритади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шомил Магдиев. — Ҳудудимизда ердан самарали фойдаланиб, бозор файзу баракасига ҳисса қўшаётган, рўзғорини бутлаётган бундай оилалар кўп. Сирож Ғафуров, Пўлат Ҳайдаров, Мурод Ёдгоров, Давлат Фаттоев, Ҳожиқул Мўминов каби томорқачиларимиз шулар жумласидан. Афсуски, томорқанинг умрини беҳуда ўтказаётган фуқароларимиз ҳам, оз бўлса-да, учраб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳоннинг энг нуфузли тўқимачилик компания ва етакчи трейдерлари ўзбек пахта толасига катта қизиқиш билдираяпти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборлиси, мамлакатимиз орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни 1996 йилда қўмитанинг 55-ялпи мажлисига мезбонлик қилиб, йирик тадбирни юқори савияда ўтказган эди. Ташкилотнинг бу галги Тошкент форумида ҳам иштирокчиларга жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилишга, тола ишлаб чиқарувчилар ҳамда харидорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга, ўзаро манфаатли илмий-техник, савдо-иқтисодий алоқалар истиқболларини белгилаб олишга қулай мулоқот майдони яратиб берилади.

Қўмита бозор нархларини белгиламайди, бозор механизмларига ҳам аралашмайди. Аммо унинг Котибияти бозордаги жорий ҳолатни баҳолаш учун зарур, айни пайтда ўта қимматли маълумотларни тақдим этади. Бинобарин, у органик пахта етиштириш, янги ғўза навларини яратиш ва синаш каби тармоқдаги янги ишланмаларни кузатиб боради. Толани холис таснифлаш ишларида фаол қатнашади.

Бугунги кунга қадар йиғилиш ҳамда ярмарка ишида дунёнинг 44 та мамлакатидан 1500 га яқин хорижий меҳмонлар ва маҳаллий мутахассислар иштирок этиш истагини бирдирган. Негаки, соҳа мутахассислари, экспертлар, олим ҳамда иқтисодий таҳлилчилар ялпи мажлис, шуъба йиғилишлари, техник семинарларда пахтачилик тармоғининг стратегик йўналишлари ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг илғор тажрибалари ҳақида энг янги маълумот ҳамда тавсияларни биринчилардан бўлиб олиш имконига эга бўладилар.

Дарҳақиқат, унда халқаро пахта бозорининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш асосида, муҳим саноат хом ашёси етиштириш, уни бирламчи ҳамда чуқур қайта ишлаш, савдо, логистика ва суғурта масалалари юзасидан 15 дан зиёд очиқ ҳамда мавзули сессиялар ўтказилиши назарда тутилган. Шунингдек, ғўза селекцияси, агротехникаси, ҳосилни зараркунанда ва касалликлардан муҳофаза этиш, тола сифатини баҳолаш каби масалалар Ўзбекистон тажрибаси мисолида ўрганилади. Шу маънода, ялпи мажлис дунё пахта саноатининг бугунги аҳволи, ютуқ ҳамда камчиликларини муҳокама қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар ва қайта ишловчилар учун ўзаро манфаатли маслаҳат майдони бўлади.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда юртимизда пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Бу қишлоқ хўжалигининг



Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг етмиш олтинчи ялпи мажлиси ҳамда XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг 44 та мамлакатидан 1500 га яқин хорижий меҳмонлар ва маҳаллий мутахассислар иштирок этиши кутилаяпти.

муҳим тармоғи бўлган пахтачиликда чуқур ислоҳотлар олиб борилаётгани, навларни тўғри жойлаштиришдан тортиб, экинни парваришлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича яхлит тизим яратилгани самарасидир.

Мамлакатимизда, энг аввало, ғўза селекциясига давлат миқёсида жиддий эътибор қаратилиб, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Натижада мустақил тараққиётимиз даврида селекциячи олимлар томонидан ғўзанинг 110 дан зиёд янги навлари яратилиб, улардан 30 дан ортиғи Давлат реестрига киритилди. Асосий майдонларда парваришланаётган ушбу навлар ҳосилдорлиги, эртапишарлиги, толасининг ранги, пишиқлиги, микронейри, шунингдек, бошқа техник кўрсаткичларининг устунлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, тола баҳосини белгилашда сифат энг бирламчи омил ҳисобланади. Ушбу жиҳат инобатга олинган ҳолда, мавжуд пахта тозалаш корхоналари модернизациялаштирилиб, ишлаб чиқаришга инновацион ишланмалар жалб этилаётир.

— Бугунги кунда республикамизда мавжуд 100 га яқин пахта тозалаш заводлари, 23 та ёғ-мой комбинати, 21 пахта терминалида реконструкция ҳамда модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилмоқда, — дейди "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси бошқармаси бошлиғи Маъруф Абралов. — Мазкур жараёнга етакчи илмий, академик, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, машинасозлик-қурилиш корхоналари кенг жалб қилингани амалиётга янги авлод ускуналарини муваффақиятли татбиқ этиш имконини бераётир. Хусусан, биргина 2017 йилги Инвестиция дастури асосида умумий қиймати 27,2 миллион АҚШ долларилик 34 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга жорий қилинаётгани диққатга сазовор.

Тизимдаги бу каби техник ва технологик янгилашлар, амалиётга татбиқ этилаётган инновацион ишланмалар туфайли толамизнинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланаяпти. Бу эса бугунги кучли рақобат шароитида жаҳон пахта бозоридан мустаҳкам жой эгаллашимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. 2016 йилги мавсумда "Олий" ҳамда "Яхши" синфига мансуб толанинг улуши аввалги йиллардагига нисбатан 10 фоиз ортиб, 92 фоизга етгани қувонарли ҳол, албатта.

— Жаҳон пахта бозорининг таҳлили ўзбек толасининг мавқеи тобора мустаҳкамланиб, харидоргир бўлиб бораётганини кўрсатаяпти, — дейди "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси бошқарувчи раиси ўринбосари, "Ўзпахтаэкспорт" АЖ бош директори Жамшид Қодиров. — Шу туфайли экспорт географияси кенгайиши баробарида, ҳамкорларимиз ҳам кўпаймоқда. Кейинги пайтда анъанавий бозорлар билан чекланиб қолинмасдан, янги савдо йўлаклари очилгани, жумладан, Покистон, Индонезия, Вьетнам каби давлатларга маҳсулот етказиб берилаётгани бунга асос бўла олади. Бундай муваффақиятларга эришишда компания Халқаро пахта ассоциацияси, Бремен пахта биржаси каби кўплаб тузилмаларга аъзо бўлгани, энг асосийси, оқилона экспорт сиёсати юритилаётгани муҳим роль ўйнаяпти.

Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотлар боис толани чуқур қайта ишлаш ҳажми ҳам мутасил равишда ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида толанинг атиги 5 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу кўрсаткич 45 фоиздан ошди. Республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам янги қувватлар ишга туширилаётгани, мавжудлари тубдан модернизация қилинаётгани бунда қўл келаяпти. Эътиборлиси, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда. Унинг тагзаминида яқин йиллар ичида ялпи пахта ҳосилининг 70 фоизини ўзимизда қайта ишлашга эришиш, четга ҳом ашё эмас, аксинча, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар сотиш мақсади мужассам.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 76-ялпи мажлиси доирасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Йил олими" халқаро мукофоти ҳам ўз соҳибига топширилади. Бизга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳат шундаки, мазкур нуфузли мукофотга 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Геномика ва биоинформатика маркази директори, селекциячи олим, профессор И. Абдураҳмонов сазовор бўлган эди.

Ярмарканинг асосий тадбирлари ўтказиладиган "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма мажмуаси майдонлари ҳам шай ҳолатга келтирилмоқда. Бу ерда тизим корхоналарининг ишлаш жараёнини тўлиқ акс эттирувчи экспонатлар, жорий йилги пахта ҳосилидан олинган толалардан намуналар намойиш қилинади.

Ўн учинчи бор ўтказиладиган халқаро ярмарка ҳамда нуфузли форум ўзбек пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб беришни янада мақбуллаштириш, экспорт жуғрофиясини диверсификациялаш, хорижий компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга кенг йўл очиб беради.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги болаларни парваришлаш муассасаларига ташрифи ҳақида БАЁНОТ

Бола тарбияси тизимини ислоҳ қилиш соҳасида Ўзбекистон Ҳукумати билан ҳамкорлик олиб бориш имкониятларини ўрганиб чиқиш учун 2017 йил 14 — 18 сентябрь кунлари ЮНИСЕФ ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда Ўзбекистондаги институционал болаларни парваришлаш муассасаларига, шу жумладан, Болалар уйлари, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчасига ташриф буюрди.

ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукумати ҳамда институционал болаларни парваришлаш муассасалари ходимлари томонидан отаоналарининг ҳомийлигисиз қолган болаларни соғ-саломат улғайишлари ва ривожланишлари учун мақбул шароитлар билан таъминлаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолайди ҳамда қадрлайди.

Шу билан бирга, ЮНИСЕФ Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 263-сонли қарорида ҳар бир бола учун оилавий муҳитни яратиш нақадар муҳимлиги, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, болаларни институционал болаларни парваришлаш муассасаларига жойлаштириш энг охирги чора эканлиги кўрсатиб ўтилганлигини маъқуллайди.

"Боланинг оптимал ривожланиши бола унга ғамхўрлик қилаётган шахсга хавфсиз боғланиб қолинишига буткул боғлиқдир, бунга эса фақат оила шароитида эришиш мумкин", деб эътироф этди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. "Оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар кўламини кенгайтириш ва шу жумладан, ногирон болалар учун ҳам кундузи келиб туриш хизматларини ривожлантириш ҳамда болаларни ноинституционаллаштиришни янада давом эттириш боланинг оилавий шароитларга эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилади".

ЮНИСЕФ ташкилоти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги қарорида кўрсатилган йўналишларга мувофиқ, болаларни парваришлаш тизимида ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон Ҳукуматига ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги колония ва ахлоқ тузатиш муассасаларига ташрифи ҳақида БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 11 августдаги ПҚ-3200-сонли қарорида кўзда тутилган ислоҳотларга мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни қўллаш тизими соҳасида Ўзбекистон Ҳукумати билан келгусида ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганиш учун 2017 йил 15 — 19 сентябрь кунлари ЮНИСЕФ ташкилоти Бош прокуратура билан биргаликда ўғил болалар учун мўлжалланган тарбиялаш колонияси ҳамда иккита ихтисослаштирилган ўқув-ахлоқ тузатиш муассасаларига ташриф буюрди.

ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматига мазкур муассасаларга кириш имкониятини тақдим этишга тайёр эканлигидан мамнуният билдиради. Чунки ЮНИСЕФ Ўзбекистонда озодликдан маҳрум этилганлар жазони ўтайдиган муассасага кириш имконига илк бор эга бўлмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг вояга етмаганларнинг озодликдан маҳрум бўлган жойлардаги аҳволига оид 2013 йилда тақдим қилинган тавсияларини амалга ошириш йўлидаги биринчи қадамдир.

Озодликдан маҳрум этилиш ҳар бир бола учун оиладан ажралиш, жамиятдан узоқлашиш демакдир. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилинган болалар ҳам бошқа болалар эга бўлган ҳуқуқларнинг барчасига эга бўладилар. Умуман олганда, озодликдан маҳрум этиш жараёни шундай ташкил қилиниши лозимки, болаларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилсин ва таъминлансин ҳамда бола жазони ўтаб бўлиб, қайтиб келганидан кейин унинг жамиятдаги амалий роли рағбатлантирилсин. Озодликдан маҳрум қилиш, қачонки бошқа мақбул ечимлар мавжуд бўлмаган ҳолда, энг охирги чора сифатида қўлланилиши даркор.

"Ташрифимиз чоғида биз ушбу муассасаларда болалар учун энг маъқул шароитларни таъминлаш ва болаларнинг жамиятга реинтеграциялашуви жараёнини яхшилаш имкониятларини яратиш мақсадида келгусидаги ҳамкорлигимизни муҳокама қилдик", деб таъкидлади ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. "ЮНИСЕФ ташкилоти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017 йил 11 августдаги ПҚ-3200-сонли қарорида кўзда тутилган йўналишларга мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни қўллаш тизимида ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон Ҳукуматига кўмаклашишга тайёр эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда".

Яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Делегация мамлакатимизнинг қатор вазирлик ҳамда идоралари, етакчи компанияларида учрашувлар ўтказиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини кенгайтиришга замонавий ёндашувларнинг жорий этилгани, ўзаро ишонч, қатъий интилиш ва яқин қўшничилик ҳамда ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжудлигининг яққол намойишидир.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишдаги принципиал позицияси икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мамлакатлар манфаатлари йўлида ривожлантиришга хизмат қилади.

Биринчидан, афғон муаммосини ҳал этишда Ўзбекистон ҳар доим холис, принципиал ҳамда конструктив ёндашган. Афғонистон Ислом Республикаси билан анъанавий равишда, тарихий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириб, мамлакатда узоқ муддатли барқарорлик қарор топишини қатъий қўллаб-қувватлаб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида "Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. Донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир", деб алоҳида қайд этди.

Иккинчидан, Ўзбекистон қўшни мамлакат иқтисодиётининг тикланиши бўйича конкрет лойиҳаларни амалга ошириш орқали Афғонистонда барқарорликка кўмаклашишда қатнашмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2010 йили Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилишини якунлади. Афғонистон ҳукумати илтимосига кўра, Ўзбекистон томонидан Мозори Шариф — Кобул йўл участкасида 11 кўприк ҳамда бошқа иншоотлар барпо этилди. 2010 йилда Ҳайратон — Пули-Хумри — Кобул ЛЭП-220 лойиҳаси ишга туширилгач, Афғонистон пойтахтига Ўзбекистондан электр энергияси етказиб берила бошланди.

Учинчидан, икки томонлама муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий асос яратилган. Улар сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликка доир 40 га яқин ҳужжатларни ўз ичига олади. Масалан, 2015 йилнинг 15 мартида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан Афғонистон Ислом Республикасининг тегишли вазирлиги ўртасида темир йўл линиясини бошқариш, эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича уч йиллик битим имзоланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари диверсификациялаштирилган бўлиб, ҳамкорликнинг қарийб барча жабҳасини, яъни савдо-иқтисодий, инвестициявий ва сиёсий соҳаларда ҳамкорликни қамраб олган. Ўзбекистонда афғонистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 70 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда иш юритаяпти. Афғонистон ҳудудида эса 6 та ўзбек-афғон қўшма корхонаси ташкил қилинган.

Бешинчидан, икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Афғонистонлик мусиқачилар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келишади. 2013 йилда афғон гуруҳи биринчи ўринни эгаллади. Илм-фан соҳасида ҳам ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 2014 йилда Афғонистон Фанлар академияси директори М. Афзалий бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуманда қатнашди.

Юртимиз афғон заминида дафн қилинган буюк аждодларимиз, жумладан, Абу Райҳон Беруний, Газнадаги, Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобулдаги қабрини ободонлаштиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Бу ҳам тарихларимиз муштараклигидан далолатдир. 2016 йил март ойида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси З. Машрабов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Ҳирот шаҳрига ташрифи чоғида Алишер Навоий мақбараси атрофидаги ҳудуд кўкаламзорлаштирилди ҳамда ободонлаштирилди. Шунингдек, Камолиддин Беҳзод мангу қўним топган жой таъмирдан чиқарилди.

Афғонистон олий ўқув муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ўқитувчилари малакасини ошириш учун қисқа муддатли курслар ташкил этиш ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ушбу мамлакат фуқароларини тегишли мутахассисликлар бўйича ўқитиш масаласи кўриб чиқилаяпти.

Буларнинг барчаси икки мамлакатнинг XXI асрдаги дўстлиги, яхши қўшничилиги ва иттифоқчилигининг ижобий натижалари ҳамда мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам Афғонистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни кўришда давом этади. Шубҳасиз, тобора кенгайиб бораётган конструктив мулоқот ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларида истиқболли қўшма лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши нафақат Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иқтисодий тараққиётига, айни пайтда минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Бахтиёр МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти маркази раҳбари ўринбосари.

ТОЖИКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Замонавий Тожикистон" номли фотокўргазма, мўйқалам усталарининг ижод намуналари, ёзувчи ва шоирларнинг китоблари тақдимоти таассуротларга бой бўлди. Ташкил этилган турли байрам кечалари санъат намояндалари билан унутилмас учрашув онларини тақдим қилди. Шунингдек, тожикистонлик киноижодкор Носир Саидов томонидан суратга олинган "Акси йўқ кўзгу" ва "Муаллим" бадиий фильмлари намойиши бўлиб ўтди. Халқаро кинофестивалларда муваффақият қозонган мазкур картиналар ҳалоллик ҳамда софдиллик сингари инсоний кечинмалар ҳақида ҳикоя қилади.

— Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланаётир, — деди Тожикистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари И. Машрабов. — Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқалари ана шундай байрамлар ҳамда тадбирларда янада мустаҳкамланмоқда. Маданият кунлари давомида намойиш этилган бадиий чиқишлар, ижодий учрашувлар ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Тожикистон маданияти кунларининг ёпилиш маросими кўтаринки ва байрамона руҳда кечди.

— Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ҳамда элат вакиллари тинч-тотувликда ҳаёт кечирмоқда, — дейди юртдошимиз Ш. Нуруллаева. — Турли тўю тантаналар, байраму сайиллар биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтади. Бугунги фестивалда ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман каби турли миллат вакиллари иштирок этаётгани фикримизнинг ёрқин мисоли. Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши турли халқларнинг маданияти билан янада яқинроқ танишиш учун шароит яратади.

Тожикистон маданияти кунлари икки мамлакат санъаткорларининг концерт дастури билан якунланди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

ЕРНИНГ УВОЛИ УРМАСИН!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маҳалла фаоллари билан биргаликда уларни огоҳлантираяпмиз, ердан катта даромад кўриб, турмушини обод қилаётган хонадонлар тажрибасини ўрганишга даъват этаяпмиз.

Ҳам рағбат, ҳам масъулият

— Президентимизнинг 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айни вақтида қабул қилинди, — дея сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Нега деганда, ушбу ҳужжатга мувофиқ, эндиликда ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилади. "Томорқа — қўшимча даромад манбаи!" шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб этиш, деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган, юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда томорқа ер эгалари учун "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари таъсис қилиниши ҳам зиммамиздаги масъулиятни янада кучайтиради.

Дарҳақиқат, ҳужжатда таъкидланганидек, шу пайтга қадар фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари ер майдонлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ҳамда жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган. Баъзи мутасадди ташкилотлар ушбу йўналишда жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйишни ўйлаб ҳам кўришмаган.

Бухоро вилояти статистика бошқармаси мутасаддиларининг маълум қилишича, ҳудудда жами 49 минг 89 гектар суғориладиган ер аҳоли ихтиёрида. Шунинг 1 минг 605 гектари Когон тумани томорқа эгаларига тегишли. Тумандаги Туткунда маҳалласи ҳудудида эса 106,6 гектар томорқа ери мавжуд.

— Ҳудудимизда яшовчи Нуриддин Ўроқов, Рауф Баҳромов, Ислом Ўроқов, Нуриддин Узоқов хонадонларида томорқа аллақачон қўшимча даромад манбаига айланган, — дейди мазкур МФЙ масъул котиби Нилуфар Каримова. — Улар ҳар қарич ерни қадрлашади. Аммо бир ариқдан сув ича туриб, томорқасига лоақал ошковоқ ҳам экмаган фуқароларни кўриб, ёқа ушлайсан киши.

Бой берилаётган имконият

"Гуруч курмаксиз бўлмайди", деганларидек, ҳудудда экин ерларининг қадрига етмаётган аҳоли ҳам йўқ эмас. Мана, Шехон қишлоғида яшовчи Фарҳод Хазаров хонадонидамиз. Оила картошка, пиёз, помидор, сабзи, карам, қисқаси, тирикчилик учун зарур ҳамма нарсани бозордан харид қилади. Ваҳолонки, уларнинг ихтиёрида нақд 60 сотих экин майдони бор. Бу ерда беда экилган, холос. Узоқ йиллар қаровсизлик оқибатида ерни ажриқ босган. Бир қисми эса қамишзорга айланган. Шу ҳовлида тўрт мучаси соппа-соғ Фарҳод акадан ташқари, турмуш ўртоғи, икки ўғли ва келини яшайди. Улар бирор корхона ёки ташкилотда ишламайди ҳам. Шундай экан, томорқанинг лоақал бир қисмида экин экиб, уни биров кўрса ҳавас қиладиган ерга айлантириб қўйиш мумкинку ахир?!

— Шу ерда чорвамизни боқиб, тирикчилик қилаяпмиз, — дея ўзини оқлашга уринди Фарҳод Хазаров биз билан суҳбатда.

— Бу ер қачондан буён ихтиёрингизда?

— Ерни олганимизга ўн йилча бўлди.

Афсуски, ўн йилдан буён 60 сотих ернинг умри зое кетмоқда. Таассуфки, ҳудудда қаровсизлик ҳамда эътиборсизликдан экин ерини тап-тақир майдонга айлантирган, уни абгор ҳолга туширib қўйган хонадонлар анча-мунча топилади. Бундайларнинг виждони қийналмасмикан?!

Ер — халқимиз ва давлатимизнинг бебаҳо бойлиги. У элни боқади, кийинтиради. Шу боисдан ҳам ерга меҳр берган томорқа эгаларининг турмуши обод, хонадони файзли. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйган кишининг эса косаси оқармайди. Рўзғоридан барака қочади. Зеро, "Ернинг уволи тутади", деганлари айни ҳақиқат!

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИФТИХОР

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 30 июнь куни юртимизнинг бир гуруҳ фаол ёшлари билан ўтказган учрашувидаги нутқида буюк аждодимиз сиймосини улуғлаб, соҳибқирон Амир Темур бобомиздек биронта жангда мағлуб бўлмаган, у кишидек енгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилишини, ўз яқинлари, замондошлари бу улуғ сиймони Темурбек деб атаганини алоҳида қайд этди.

Буюк соҳибқирон ворислари

Президентимиз шундан келиб чиқиб, ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган мактабларга "Темурбеклар мактаби" номини бериш тўғрисидаги таклифни ўртага ташлади. У юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олиниб, қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбарининг 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг алоҳида бир бандида "Буюк давлат арбоби ҳамда саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилсин", дея белгилаб қўйилди. Яъни таклиф расман амалий ифодасини топди. Бу буюк бобомизга юксак эҳтиромнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

— Ҳар бир ўғлон Амир Темур ҳаёти, фаолиятини чуқур билиши, ундан фахрланиши ғоят муҳимдир, — дейди Урганч шаҳридаги "Темурбеклар мактаби" директори Ҳабиб Раҳимов. — Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш орқали аждодларимизнинг мард, жасур, ватанпарвар, ҳалол ҳамда танти бўлганликларини, эзгулик, бунёдкорликка алоҳида аҳамият қаратганликларини янада теранроқ англаймиз. Бизнинг мақсадимиз ҳам уларга муносиб авлодларни тарбиялашдир. Шу боис ўқув масканимизда таълим-тарбия жараёнини инновацион технологиялар асосида пухта олиб боришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Лицейда аниқ, ижтимоий-гуманитар фанлар ва ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

Лаборатория, лингафон ҳамда синф хоналари замонавий жиҳозланган. Ўн мингдан ортиқ ўқув ва бадиий адабиёт фондига эга ахборот-ресурс маркази — ёшлар ихтиёрида. Ёш ватанпарварларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида фан тўгаракларини, спорт секциялари ташкил этилган. Машғулотларни олиб боришга ҳарбий таълим муассасалари офицерлари, ихтисослик фанлари бўйича юқори малакали мутахассислар жалб қилинган. Ҳарбий қисмлар, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Шимоли-Ғарбий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ҳамда бошқа олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мунтазам ташкил этилаётган спорт мусобақалари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, захирадаги офицерлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва ҳарбий қисмларга саёҳатлар уюштирилаётгани таълим сифати ҳамда самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётир.

— Лицейимизда танлаган мутахассислигимиз бўйича чуқур билим олиш ҳамда спорт билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд, — дейди Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидан Урганч "Темурбеклар мактаби"га келиб таҳсил олаётган Асадбек Каримов. — Бу жиҳатлар биз, бўлғуси офицерлар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мақсадим — буюк аждодларимизга муносиб бўлиб, она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги "Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳарбий лицейни тамомлаган ўқувчилар мудофаа, ички ишлар вазирликлари ҳамда давлат божхона қўмитаси тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имтиёзига эга. Жорий йилда мазкур таълим масканининг бир гуруҳ битирувчилари ушбу имкониятдан фойдаланиб, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари сафидан жой олдилар.

— Ватанни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир, — дейди урганчлик Зулайҳо Раҳимова. — Ўғлим Зафарбек ушбу даргоҳда таълим олишни танлаб, ана шундай эзгу мақсадни дилига туккани бизни чексиз қувонтирди.

Бугун "Темурбеклар мактаби"да таҳсил олаётган ҳар бир ёш авлод вакилининг энг олий орзуси шудир. Зеро, буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг юксак маънавияти, ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ҳамда жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун доимо ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Назорат-касса машиналари:

ТАДБИРКОРГА ҲАМ, ХАРИДОРГА ҲАМ ЗАРУР ВОСИТА

Назорат-касса машиналари бугунги кун талаби, аниқроғи, савдо ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қонуний фаолият юритишида зарур воситадир. Шу боис сўнгги пайтларда тадбиркорлик субъектларини тўлов терминаллари, назорат-касса машиналари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг ушбу йўналишдаги ишлар сифатини янада юксалтириш мақсадида жорий йил 29 сентябрда имзоланган "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, аҳоли билан ҳисоб-китобни тезкор амалга ошириш ва тизим назорат функцияси бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Таъкидлаш керакки, Солиқ кодексининг 72-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишда нақд пул билан ҳисоб-китобни амалга ошириш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда бажарилиши қайд этилган. Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган низомлар билан ҳам тартибга солинади. Бу тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар ушбу машинанинг фискал хотирасида сақланади, деганидир.

Тан олиш керак, айни пайтда айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида харидорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, уни носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали бажарилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотларни сохталаштириш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Қолаверса, йирик савдо тармоқларида товарлар ҳисобини юритиш, харидорларга назорат-касса машинасидан чек бериш ягона компьютер тизими орқали амалга оширилиши сабабли улардаги нақд пул тушумлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги кафолатланмайди. Нақд пул тушумларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам равишда жалб қилинмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан солиқ тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий қилиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланди. Ушбу вазифалар, шунингдек, Фармон билан тасдиқланган "Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш мақсадида "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан, келгуси йилдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан эса ушбу ҳудудлардаги юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб мамлакатимиздаги ҳамма юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга оширишга босқичма-босқич ўтиши кўзда тутилмоқда.

Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда қарор қабул қилинишига бўлган заруратлар нималардан иборат эди, деган саволга тўхталсак.

Маълумки, бугунги кунда республикамиз бўйича 147 мингта чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига 236 мингта назорат-касса машинаси ўрнатилган. Касса чекидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига автоматик тарзда онлайн узатиб бориш тизимини йўлга қўйиш орқали марказлашган тарзда электрон маълумотлар базаси яратилади. Ваҳолонки, бундай база шу пайтгача мавжуд эмас эди. Ушбу маълумотлардан ҳар бир савдо шохобчаси кесимида кунлик, ойлик сотилган товарлар суммасини таҳлил қилиш имконияти вужудга келади.

Тизимнинг яратилиши билан назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчалари онлайн аниқланиб, тезкор чоралар кўриш, субъектлар томонидан топширилаётган тушумларни таҳлил ҳамда назорат қилиш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмага чиқиб кетишини қисқартиришга эришилади. Натижада бюджетга солиқ тушумлари кўпаяди. Айтиш жоизки, шу кунгача савдо тушумини умуман топширмаган ёки кам топширган савдо шохобчалари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банк томонидан 2-3 кундан кейин солиқ органларига тақдим этиларди.

Назорат-касса машинаси орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, рўйхатдан ўтмаган НКМдан фойдаланиш, бузиш ёки иккиламчи бухгалтерия юритиш каби салбий ҳолатларга чек қўйилади. Солиқлар тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг олди олинади.

Бундан ташқари, назорат-касса машиналарининг тадбиркор ва аҳоли учун қулай жиҳатлари ҳам кўп. Масалан, касса чекларидаги рақамлар уникал (такрорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг иложи йўқ. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилиб, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга кўтарилиши таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашиш ҳамда турли назорат тадбирлари ўтказилиши эса камаяди. Бундай янгиланишлар иқтисодиётимиз барқарорлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва манфаатлари ҳимояланишига хизмат қилади.

Музаффар Юсуф НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи.

СУД ҲИМОЯСИДА

Баъзида ҳақиқат излаб, бир неча йилларни бой берасан. Энди умид узай, деб турганингда, қаердандир ёруғлик пайдо бўлади-да, ишинг юришади, ҳақиқат қарор топади. Бўз туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 82 ёшли Қобилжон ота Мадаминов 9 йил давомида адолат излади. Ниҳоят, суд томонидан унинг муаммоси ижобий ҳал этилди. Бу ҳақда сал кейинроқ...



ҲАҚИҚАТ ЭГИЛДИ, АММО СИНМАДИ...

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда судларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамияти ортмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, мазкур ҳужжатга кўра, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турлари қўлланилаётир. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш ҳамда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди. Бу ўзгаришлар фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилади.

— Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш имконини берувчи муддат 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда айни муддаодир, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди раиси ўринбосари Фахриддин Ҳайдаров. — Халқимизнинг инсонпарварлик тамойилларига мос келувчи ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доираси тобора кенгайтирилаётир. Бу содир этган қилмишидан пушаймон бўлиб, етказилган зиённи қоплаган фуқароларни жавобгарликдан озод этиш имконини бермоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналари орқали Андижон вилоятидан 2986 та мурожаат қабул қилиниб, шундан 2813 таси суд томонидан ижобий ҳал этилганидан ҳам билса бўлади. Айни чоғда 509 нафар юртдошимизнинг бевосита суд маҳкамасига қилган мурожаати ижобий ечим топди.

— Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, — дейди Қобилжон ота Мадаминов қувонч билан. — Ўй-жой билан боғлиқ 9 йилдан буён поймол қилиб келинаётган ҳуқуқимни суд орқали тиклашга муваффақ бўлдим. Бу масала бўйича бормаган жойим қолмаганди. Қурилиши тугалланмаган турар-жойни икки марта бузишимга тўғри келди. Сўнгги илинж билан фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига мурожаат қилдим. Иш адолатли кўриб чиқилди ва фойдамга ҳал этилди.

Суд фаолияти билан танишар эканмиз, мурожаатларнинг аксарияти уй-жой, ер ва битимларга доир низолар эканига гувоҳ бўлдик. Бу, ўз навбатида, одамларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, суд томонидан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Қолаверса, жойларда ташкил этилган сайёр судлар аҳолининг қонунбузарликларнинг салбий оқибатлари ҳақидаги тасаввурларини бойитмоқда.

Булар, ўз навбатида, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Хайрли ишлар ташаббускори эди

Қарши шаҳрида атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Унда Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги китоб муаллифи Саидакбар Ризаев, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Сайёра Рашидова, таниқли фан ва адабиёт намояндалари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тадбир аввалида Шароф Рашидов ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Қашқадарёликлар у кишининг раҳбарлигида амалга оширилган жуда катта бунёдкорлик ишларини яхши эслашади. Хусусан, Қарши чўлини ўзлаштириш лойиҳалари айнан Шароф Рашидов ташаббуси билан амалга оширилган эди. Яъни Қарши ва Шўрсув сув тармоғи қурилиши, 1,8 ҳамда 2 миллиард кубометр сув сиғимига эга бўлган "Толимаржон" ва "Шўрсой" сув омбори қурилиши натижасида Қарши даштида 905 минг гектарга яқин янги ерлар ўзлаштирилди. Амударё сувини 152 метр баландликка кўтариб берувчи 6 та насос станцияси қуриб битказилди. Қолаверса, Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан айнан у кишининг саъй-ҳаракати туфайли 1964 йилда Қашқадарё вилояти қайтадан ташкил этилди.

Ўша даврларда Муборак газни қайта ишлаш заводи республикадаги ягона ва илк газни қайта ишлаш заводи сифатида иш бошлади. Унинг негизида Муборак газчилар шаҳарчаси вужудга келди. Қарши шаҳри эса йирик саноат ишлаб чиқариш марказига айланди.

— 1976 йили Ҳисорак сув омбори қурилишига Шароф Рашидов биринчи тамал тошини қўйганди, — дея хотирлайди меҳнат фахрийси Комил Амиров. — Бу жуда мураккаб иншоот ҳисобланади. Унда 4 километр ер ости тоннели қазилган. Сув омбори қурилиши натижасида Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида 50 минг гектар ернинг сув билан таъминланиш даражаси яхшиланди. 20 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Бу қишлоқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга. Айтмоқчиманки, Шароф Рашидов қашқадарёликларнинг турмуш фаровонлиги йўлида ана шундай кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

Хотира кечасида Ш. Рашидовнинг ўз даврида вилоятга ташрифлари акс эттирилган фотокўргазма намойиш қилинди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З. Рўзиев сўзга чиқди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОЗИЙГА САЁҲАТ

Термиз археология музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти ва Россия Фанлар академияси Археология институти олимларининг Бойсун туманидаги Узундара қалъасида амалга оширган археологик тадқиқоти натижаларига бағишланган "Узундара — Бақтрия қўриқчиси" деб номланган кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

КЎРГАЗМА



Россия Фанлар академияси Археология институти олимлари маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда беш йилдан буён Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Сувсизтоғ чўққиларида жойлашган Узундара қалъасида археологик тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу жой қадимда Бақтрия ҳамда Сўғдиёнанинг чегара ҳудудидаги ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган. Қазишма ишлари натижасида ёдгорликдан топилган ноёб экспонатлар Александр Македонский даврига оид, дея хулоса қилинди.

— 2014 — 2017 йиллардаги тадқиқотлар натижасида 1700 квадрат метр майдонни эгаллаган Узундара ёдгорлиги тўлиқ очиб ўрганилди, — дейди Россия Фанлар академияси Археология институти экспедицияси раҳбари, тарих фанлари номзоди Н. Двуреченская. — Ҳозирги пайтгача қалъа таркибига кирувчи мудофаа деворлари, тўғри тўртбурчак шаклидаги миноралар, шунингдек, учта ертўлали маҳобатли қоя мажмуаси, унинг атрофидаги текис майдон, эни 9 метр бўлган мудофаа девори, ички йўлаклар, тураржой, хўжалик хоналари, омбор ва хумхоналарда қазиш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Сопол парчаларида сақланган тамға ҳамда ёзув бўлаклари қалъа аҳолиси юнон тилидан фойдаланганига гувоҳлик беради.

Ўзбекистон — Россия қўшма экспедицияси томонидан Узундарада олиб борилган тадқиқотлар Бақтриянинг шимолий чегараси Амударё ўзанларидан эмас, балки Бойсун тоғларидан ўтганини яна бир карра исботлади.

— Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Сурхон замини ҳамиша археолог олимларнинг диққат-эътиборида, — дейди Термиз археология музейи директори Зебо Алимардонова. — Вилоятдаги турли тарихий ёдгорликларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар илк шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихини ўрганиш, тараққиёт босқичлари, аждодларимизнинг турмуш тарзи ҳақида бирибиридан қизиқарли маълумотларни қўлга киритишга имкон бермоқда. Узундара ёдгорлигидан топилган чўмилиш косалари, 400 тадан ортиқ найза учлари, 300 дан зиёд палахмон тошлари, найзалар, бронза ҳамда темирдан ясалган совутлар, от абзаллари ва бошқа ашёлар, шубҳасиз, тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар ҳар қандай томошабинни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, нумизматика ашёлари, жумладан, Салавкийлар даврида, қолаверса, Антиох I ҳамда Юнон-Бақтрия подшолигининг Диодотдан Гелиоклгача бўлган ҳукмдорларга тегишли, мис ва кумушдан зарб қилинган тангалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг ўтмиш ҳақидаги тасассуротларини бойитиб, уларни Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда мазкур кўргазманинг аҳамияти беқиёс.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда авария-қутқарув машиналари ишлаб чиқарилади

Мамлакатимиз авария-қутқарув хизмати ходимлари учун тоғ-альпинистлик, ғаввослик анжомлари, авария-қутқарув машиналари ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда маълумот берилди.

— Доно халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машақкатинг оз бўлур", деган мақол бор, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув кучлари бошқармаси бўлим бошлиғи Жўрабек Қосимов. — Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида авария-қутқарув кучларимиз фаолияти учун энг зарур анжомлар, махсус машиналар ишлаб чиқариш белгиланган. Бу қутқарув хизматларини замонавий ва ишончли "қуроллар" билан таъминлаб қолмай, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ.

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда адибларимизни мамлакатимиздаги, жойлардаги улкан юксалишлар, замонамиз қаҳрамонлари тўғрисида асарлар яратишга даъват қилган эди. Бундан ўзгача бир масъулият ҳис этдик.

Бугун олиб борилаётган ислоҳотларга монанд равишда шиддат билан ривожланиб, кун сайин кўркамлашиб бораётган Фарғона вилоятида Олтиариқнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, йилига уч марталаб ҳосил олиб ҳам тупроқни "озитмаслик" сирларини пухта ўзлаштирган, қайси мева, қайси сабзавот учун тумандаги қай бир ҳудуд ерлари мос эканлигини олимлардан кам билмайдиган миришкор томорқачиларининг довруғи жуда баланд. Бу омил йил сайин қад ростлаб бораётган фермерчилик учун дорилфунун вазифасини ўтаб келаётгани, шубҳасиз.

ФИДОЙИЛИК

(Очерк)

Биргина пахта билан ғалланинг пулига кўз тикиб ўтирмай, хўжалигини кўп тармоқли қилиб бораётган фермерлар сони тобора ошаётгани қисқа муддатдаёқ ўз самарасини кўрсатаётир. Зеро, Президентимизнинг шу йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ташаббускор фермерлардан ҳисобланмиш Исоқжон Бойматов ҳамда Икромали Холмуродов бу жабҳада кўп касбдошларига ўрнак бўлмоқда. Ушбу хўжаликларда ҳар қачонгидан мўлроқ пахта ҳосили етиштирилди. Шартнома режалари ошириб бажарилаётгани учун хирмонлар юксалиб, ишчиларга бири 62 тонна буғдой, 40 тонна картошкани, иккинчиси 65 тонна буғдой, 20 тонна картошкани қўшимча рағбат сифатида тақсимлаб берди. Ҳар бирида 120 нафар атрофида ишчи бор, уларнинг ўртача ойлик маоши 650 — 700 минг сўмни ташкил этяпти.

Исоқжоннинг хўжалигида бу йил 150 тонна узум, 450 тонна сабзавот етиштирилган, бир қисми экспорт қилинган, наслли қорамоллардан кунига 650 литрдан зиёд сут соғиб олинаётган, мева-сабзавот сақлаш учун 300 тонналик совиткичли омбор қурилган бўлса, Икромалининг хўжалигида 175 тонна узум, 325 тонна сабзавот етиштирилди, уларнинг бир қисми ўзи қурган 400 тонна сиғимли совиткичларга босиб қўйилди, қўйлар сони юзтага, хориждан келтирилган соғин қорамоллар сони 120 бошга етди, кунига 700 литргача сут сотилмоқда, ўрдак-товуқларни кўпайтиришга киришилди. Даромад ортгани сайин ишчиларнинг иссиқ-совуқ маъракаларига кўмак маблағи ажратиш, хайриялар қилиш учун кенг имкон туғилмоқда. Исоқжон маҳаллани ободонлаштиришга кўпроқ эътибор қаратаётган бўлса, Икромали кам таъминланган иккита оилага намунали уйлардан олиб берди.

Ютуққа эришмоқнинг иккитагина асосий синоати бор: бири — ишнинг кўзини билиш, иккинчиси — ғайрат. Ўн тўрт ёшидан миробликни бошлаб, пенсияга чиққунга қадар Катта Фарғона канали тармоғида хизмат қилиб келган, ҳозир шу канал ёқасида катта боғ яратиб, 85 ёшида ҳам ғайратда айрим ёшларга ўрнак бўлаётган Тожиали ота Тожидавлатов шу янглиғ уддабурон, тиниб-тинчимас кишилардан бири. У боғбонлик билангина чекланиб қолмай, бу ерда канал тарихи музейини яратишгада вақт топа олгани кишини ҳайратга солади.

Дарҳақиқат, мазкур масканда замон илғорликларига эргашувчан, шижоатли, топқир, ишбилармон инсонлар кўп. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, "Элюрт ҳурмати" ордени соҳиби, аёл боши билан неча йиллардан буён Марказий Фарғонанинг қумлоқ ерларида деҳқончилик қилиб, хўжаликни республикада тилга тушган жамоага айлантира олган таниқли фермер Лолахон Муродова ана шундай омилкорлар сирасига киради.

* * *

Лолахон ҳунар-техника билим юртини тугатгач, ўзи ўқиган 31-мактабда юқори синфларга бошланғич тракторчиликдан дарс бера бошлади. Бир куни ўқувчилар ғўзани яганалаш учун колхоздаги бригадалардан бирига сафарбар этилди. Бригаданинг тракторчиси армияга олиниб, трактор эгасиз қолган экан, бригадир: "Тракторчи топилгунча шуни миниб турсанг-чи", деб қолди Лолахонга. Қизнинг юраги потраниб кетди, дадасига маслаҳат солди. Ялина-ялина розилигини олгач, "Наҳот энди ўз-ўзимнинг тракторим бўлса?!" деб суюнганидан тун бўйи ухлолмай чиқди. Қатор ораларига ғўзаларни шикастлантирмай ишлов бериш учун тракторчидан тузуккина тажриба талаб қилинади. Лолахон эса, дадасининг бир-икки кунгина ўргатишидан кейиноқ ишни бемалол эплаб кетди.

— Ҳар бир ишнинг туғма устаси бўлади, — деб қувонди бригадир. — Бу қиз туғма тракторчи! Туғма далачи!

Куз келди. "Энди менга терим машинаси беринглар, пахта тераман", деган истакни билдирди Лолахон. Трактор парки бошлиғи: "Бу жуда оғир юмуш, мавсум қизиганида кечқурунларим теришга тўғри келади", дея аввалига тихирлик қилса-да, шу ерда механик бўлиб ишловчи отаси Неъмат аканинг ҳурмати тош босиб, "Майли, бир уриниб кўр, чидолмасдан ишни ташлаб қочмасанг бас", деб охири унга агрегат берди.

Ташлаб қочиш нимаси? Аксинча, баъзи эркакларни ҳам доғда қўйиб, биринчи йили 90 тонна пахта терди. Кейинги йили эса, ундан ўтадигани бўлмади, 130 тонна териб барчани соясида қолдирди, қўша-қўша мукофотлар олди, донғи ёйила борди. Бу ютуқнинг сирини сўрасангиз, Лолахон соддагина жавоб қилади:

— Қанақа сир? Мен уйдан овқат олиб келиб, пахтазорнинг уватида шоша-пиша еб олардим-у, шпинделларни эринмасдан тозалаб, яна ишга киришардим. Эркак шерикларим эса тушликка чиққанича икки соатлаб йўқ бўлиб кетарди. Вақтни бой бермасликка ўрганган одам бошқаларга қараганда ўз-ўзидан сал олдинроқда юраверади. Фурсатни қадрлаш керак, ҳозир қилиш зарур бўлган ишни зарчаям орқага сурмаган яхши.

Буни ўзига нисбатан талабчанлик, ўз шахсини ҳурматлаш дейдилар. Мана шунда гап кўп.

* * *

Хўжаликларда ёшларнинг алоҳида бригадасини тузиш урфга кирган даврлар эди... "Бу қиз пахта ўстиришнинг ҳадисини ёдлаб бўлди", дея 1984 йили Лолахонни ана шундай бригадага бошлиқ этиб тайинлашди. Қаторасига тўрт йил режаларни ошириб бажариб, етакчилик маҳоратини кўрсатавергач, ерларининг талай қисми янгитдан ўзлаштириб келинаётган чўл зонасидаги бўлинмани бошқаришга йўлламоқчи бўлишди. Лолахоннинг капалаги учиб: "Бормайман! Нима, келиб-келиб қиз болани сахрога сургун қилмоқчимисизлар?" дея оёқ тираб туриб олди. Бу ишга туман раҳбарлари ҳам аралашиб, ўзимиз ёрдамлашамиз, деб ваъда беришгандан сўнг уларнинг раъйини қайтаролмади.

Дастлабки уч йил машаққатли кечди. Лолахон ишни қумлоқ ерларнинг юзасини техника кўмагида қирдириб ташлаб, тупроқни маҳаллий озуқалар билан тўйинтиришдан бошлади. Кўпинча кечқурунлари ҳам ҳали у бригада, ҳали бу бригада ерларидаги ишларни назорат қилиб юрар, баъзан уйга қайтишга ҳоли етмай, дала шийпонида тунаб қоларди. Шу зайл ерлар эпақага келиб, тўртинчи йилдан эътиборан режалар ошириб бажарила бошланди, олти йил ўтгач эса, хўжаликдаги пешқадам бўлимга айланди. Туман раҳбарлари бунга тан бериб, "Очиғини айтсак, бунчалик ўзгаришлар қила олишингизга бошида ўзимиз ҳам унча ишонмагандик", дея уни астойдил олқишлашди.

Қийинчиликлардан қўрқмасликка, ҳар қандай ғовни енгиб ўтиш мумкинлигига ўзини ишонтира олмоққа қодир инсоннинг обрўси ҳам, мартабаси ҳам ошиб бораверади. Айниқса, юрт мустақилликкa эришгач, тажрибали кадрлар янада қадрланиб, Лолахон ширкат хўжалигига раис этиб сайланди. Шу лавозимда етти йил енг шимариб ишлади.

Аммо эски тузумдан қолган ишлаб чиқариш усуллари ўзини яхши оқлолмаётгани тобора аёнлашаётганди. Шу боис ширкат хўжаликлари тугатила бориб, жаҳон андозасига монанд бўлган фермерликка кенг йўл очилаверди.

* * *

Ширкат хўжалигининг экинзорлари 2007 йили фермерларга тақсимлаб берилаётганида, тақдирни қарангки, ўзи бир пайтлар бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган чўл зонасидаги ерлар яна Лолахоннинг чекига тушди. Мана, ҳозирги кунга қадар шу ўрамда деҳқончилик қилиб келмоқда.

Бошқарувнинг янгича усули! Бунда ўзинг агроном, ўзинг ҳисобчи, ўзинг иқтисодчи, ўзинг ирригатор. Ўзинг югурасан, ўзинг топасан, ўзинг тақсимлайсан. Шу сабабданми, бошқарувга кўникмаси йўқлар даставвал жуда қийналишди, айримлар бунақа бошоғриқдан бутунлай воз кечди. Лолахон янгича тизимни ҳам тез ўзлаштирди, ишни 121 гектар ерга эгалик қилишдан бошлаган бўлса, вазифасини уддалай олмаган қўшни фермерларнинг ерларини-да бирма-бир ўзиникига қўшиб олавериб, умумий экинзори 473 гектарга бориб етди. Шу аснода ташвиш устига ташвишлар қўшилаверди. Силласи қуриган ерларни яхшилаб тўйинтириш, техника ҳамда ускуналар харид қилиш, экин зараркунандаларига қарши кимёвий ишлов бериш, керак бўлса, қўшимча одам ёллаб, кўсак қуртларини қўлда тердириш сингари юмушларга пресслангan сомонларни пуллаб ҳам маблағи етавермагач, мукофотга олган "Нексия"сини сотиб, ишни давом эттирди.

* * *

Энг зарур техникаларга эга бўлмаган фермер бировдан бигиз сўраб ишлаётган этикдўзнинг ўзгинаси. Лолахон эришаётган муваффақиятларда хўжалигини техникалар билан бойитиб бораётганининг аҳамияти беқиёс. Ҳозир унинг ихтиёрида "Клаас орион" ҳайдов трактори, "Беларусь" чопиқ трактори, зараркунандаларга қарши ишлов берувчи ОВХ, экинларни бир йўла ўғитлаб кетувчи замонавий культиваторлар бор. Бу йил қарзни етти йилда узиш шарти билан "Клаас доминатор" русумли серунум комбайнни лизингга харид қилди.

— Бугдой ўримида четдан комбайн ёллаб, ҳар йили саксон миллион сўмгача ҳақ тўлардик, — дейди Лолахон дурустгина иқтисодчи ҳам бўлиб қолганини кўрсатиб. — Энди йилига ўша саксон миллионни лизинг идорасига тўлаб борсак, етти йилдан кейин комбайн ёнимизга қоларкан. Бу орада ўрим мавсумида қўшниларга кўмаклашиб, қўшимча пул ишлаб ҳам оламиз.

Маблағ қанча кўпаймасин, Лолахон ўзи учун данғиллама уй қуриш, кўримлироқ енгил автомашина сотиб олиш, ҳатто ялтир-юлтир кийинишни хаёлигаям келтирмайди. Қачон қараманг, биз далага борганимизда кўрганимиздек, оёғида этик, белига чит белбоғ ўралган одми кийимда юради. Топганини хўжаликни тиклашга, янги техникалар олишга, қурилишлар қилишга, 108 нафар ишчининг моддий аҳволини ўнглаб боришга, қўшимча тарзда рағбатлантириб туришга, эҳтиёжмандларга кўмаклашишга сарфлайди.

Жазирама қуёш таъсирида бошидаги рўмолининг гуллари унниқиб, қўллари тугул ённоқлари ҳам пўрсиллоқлана бошлаган бу аёлга зимдан тикилларканман, миямда ўз-ўзидан шеърий сатрлар потрана бошлайди:

Гоҳо жуда танишга ўхшар
Рўмолига чатиш ҳар тола.
Шу толага ишқ қўйиб яшар
Миллион ғўза ичра бир Лола...

"Замонамиз қаҳрамони" деган нишон йўқ, аммо Лолахон тимсолидаги бу номга муносиб инсонлар нишонсиз ҳам яққол ажралиб тураверади.

* * *

Жорий йил жамоа учун чакки бошланмади. Давлатга шартномавий режадаги минг тонна ўрнига бир ярим минг тонна буғдой топширилди, ортган 250 тоннаси ишчиларга тарқатилди, 50 тоннаси уруғлик учун ажратилиб, шинам шийпон ортига қурилган янги омборга босиб қўйилди. Бунинг сабаби бор: уруғчилик идораси ҳар гектар ерга 250 килограмм атрофида уруғлик беради. Лолахоннинг хўжалиги чўл жойда экани туфайли, қаттиқроқ шамол турса, экилган буғдойнинг бир қисмини учириб кетади. Шунақада яна уруғлик сўраб, идорама-идора югурмасдан, ўз захирангни ишга солаверасан. Ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйган маъқул-да.

Буғдойдан бўшаган майдонларнинг 25 гектарига сабзи, 20 гектарига шоли, 10 гектарига картошка, 7 гектарига соя экилди. Хўжаликда боқилаётган қўйлар, ишчиларнинг чорваси учун озуқабоп экинларга ҳам ер ажратилди.

Йилига олти марта насл бериб, икки насли бошқа экинларга, тўрт насли, асосан, ғўзага зарар етказувчи кўсак қурти билан куну тун олиша-олиша ҳосилнинг катта қисмини сақлаб қолишгани сабабли ишчиларнинг руҳи баланд, боши осмонда. Улар режадаги 27 ўрнига гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришни дангалига башорат қилишаяпти.

* * *

Президентимиз шу йилнинг ёзида Фарғонага ташриф буюриб, орада Боғдод туманида фермерлар билан суҳбат ўтказганида, Лолахон ҳам иштирокчилар сафида бўлди. Йиғилишга бораётган чоғида бир тўп аёл уни йўлда тўхтатиб, "Биламиз, Юртбошимиз билан бўладиган учрашувга кетаяпсиз, агар гаплашиб қолсангиз, айтиб қўйинг, бизга кўп енгилликлар яратиб бераётгани учун у кишидан мингдан-минг марта розимиз, кексаю ёш тинмай дуо қилиб юрибмиз", дейишибди.

— Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ нуқул элнинг дуосини олиб келаяпти, — дея энтикиб сўз қотди Лолахон. — Қадоққўл меҳнатчиларнинг дуосида эса хосият кўп. Бу фақат яхшиликдан дарак беради.

Ҳар бир гапга фаришталар "Омин!" деб тураркан.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Микробиология кафедраси: ўқитувчи.
- Физиология ва нейробиология кафедраси: доцент.
- Тупроқшунослик кафедраси: доцент.
- Зоология кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Экология ва эволюцион биология кафедраси: ўқитувчи.
- Ботаника кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- География кафедраси: доцент.
- Геология кафедраси: ўқитувчи.
- Услубият ва таҳрир кафедраси: катта ўқитувчи.
- Минтақавий иқтисодиёт кафедраси: доцент.
- Иқтисодиёт назарияси кафедраси: профессор, доцент, ўқитувчи.
- Макроиқтисодиёт кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Умумий ва ноорганик кимё кафедраси: катта ўқитувчи.
- Органик кимё кафедраси: катта ўқитувчи.
- Полимерлар кимёси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Физикавий кимё кафедраси: ўқитувчи.
- Математик моделлаштириш ва криптоанализ кафедраси: доцент.
- Дифференциал тенгламалар ва математик-физика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
- Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари кафедраси: ўқитувчи.
- Механиканинг назарий асослари кафедраси: кафедра мудири.
- Алгебра ва функционал анализ кафедраси: катта ўқитувчи.
- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси: кафедра мудири.
- Жаҳон тарихи кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Ўзбекистон тарихи кафедраси: кафедра мудири, доцент.
- Фалсафа ва мантиқ кафедраси: профессор, доцент.
- Этика ва эстетика кафедраси: ўқитувчи.
- Психология кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Социология кафедраси: катта ўқитувчи.
- Фотоника кафедраси: катта ўқитувчи.
- Яримўтказгичлар ва полимерлар физикаси кафедраси: кафедра мудири.
- Биотиббиёт физикаси кафедраси: профессор.
- Немис филологияси кафедраси: кафедра мудири, ўқитувчи.
- Қиёсий тилшунослик кафедраси: доцент.
- Инглиз филологияси кафедраси: доцент.
- Жаҳон адабиёти кафедраси: кафедра мудири.
- Француз филологияси кафедраси: доцент, ўқитувчи.
- Инглиз тили кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- Ўзбек ва рус тиллари кафедраси: катта ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУнинг ходимлар бўлими.
Телефон: (0-371) 227-15-50.

Эҳтиёжга ярашаси кони фойда

Мандаринни севиб истеъмол қилмайдиган киши бўлмаса керак. Сабаби, бу серсув мева ширин таъми, ёқимли ифори билан иштаҳани очиб юборади. Унинг 500 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, субтропик дарахтлар орасида серҳосиллиги билан ажралиб туради.



БИЛАСИЗМИ?

Боғбонларимизнинг изланишлари туфайли мазкур цитрус мева Ўзбекистон заминида ҳам етиштирилмоқда.

Мандарин таркибида 90 фоизгача сув, шунингдек, қанд, органик кислоталар, В1, С, Р, В2, А, Д, К дармондорилари, фолий кислотаси, магний, калий, кальций мавжуд. Калорияси кам бўлсада, аммо шифоси бисёр.

Гап шундаки, мандарин иммунитетни ошириб, айни қиш фаслида юқумли вируслардан ҳимоя қилади. Бундан ташқари, иштаҳани очиш, таом ҳазмини яхшилаш, кўриш қобилиятини ошириш, қон таркибида гемоглобинни кўпайтириш хусусиятига эга. Кўкйўтал, грипп, тумов, бод касалликларида нафи катта.

Буни қарангки, мандарин мевасининг пўсти ҳам фойдали экан. У қорин оғриғи, ичкетар, кўнгил айнишида ижобий самара беради. Спиртдаги эритмаси (настойкаси) ўпка касалликларига шифо тариқасида тавсия этилса, қуритилгани марказий асаб тизимини тинчлантиради, оғриқни қолдириб, ором бағишлайди.

Мандарин модда алмашинувини яхшилаб, тўқималарнинг нафас олиши, ўсиши ва қайта тикланишини тезлаштиради. Айниқса, турли шишлар, бронхит, юқори нафас йўллари шамоллаганда, ниҳоятда фойдалидир. Бунинг учун ҳар тонгда эҳтиёжга яраша мандарин шарбати ичилса, кифоя.

Мандарин қандолатчилик, парфюмерия саноатида ҳам муҳим хом ашё саналади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Тошшаҳарнур» ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уйда сақланаётган, жами 110 дона, 11 метр ўлчамдаги (ишлатилган), ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 888 480 сўм ва жами бошланғич баҳоси — 97 732 800 сўм бўлган электр симёғоч (столба)лар қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 13 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 10 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолибига 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар мазкур симёғочлар билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Кадрлар бошқармаси бошлиғи Бобиромон Қодировга отаси
Бекмурод ҚОДИРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.30 1 3 4 5 6